



ҚУМҚЎРҒОН ТУМАНИДА ДЎСТЛИК ФЕСТИВАЛИ БЎЛИБ ЎТДИ



Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг қарорига кўра, 30 июл – бутун дунёда “Халқаро дўстлик куни” сифатида нишонланиб келинади. Сана муносабати билан бугун Қумқўрғон тумани Халқ таълим бўлимига қарашли 3-сонли умумтаълим мактабида туман ҳокимлиги, туман Халқ таълим бўлими,

Республика Маънавият ва маърифат маркази туман бўлинмаси ҳамда туман
Маданият бўлими ҳамкорлигида Дўстлик фестивали ўтказилди.